

Тўра Боболов Душанбеда

Ўзбекистон - Тожикистон

ҳудудларо инвестициявий

форумида иштирок этди



Тадбирда Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Давлатали Сайд, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаков, икки мамлакат вазирлик, идора, тармоқ бирлашмалари, тижорат банклари, савдо-саноат палаталари, чегарадош вилоятлари раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг турли ҳудудларидан келган 300 га яқин тадбиркорлар иштирок этди.

Унда Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов бошчилигига бир гуруҳ масъуллар, ишбилармон доира вақиллари ҳам қатнашди.

Форумни очар экан икки мамлакат делегациялари раҳбарлари иқтисодий шерикликни кенгайтириш, юқори технологияли қўшма корхоналарни ташкил этиш, оммабоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва истиқболли бозорларга кириб бориш бўйича кооперация алоқаларини йўлга қўйишининг салмоқли салоҳиятини қайд этиб, Ўзбекистон ва Тожикистон ишбилармон доиралари вакилларини фаол ва муваффақиятли ҳамкорликка чақирди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий муносабатларни мустаҳкамлаш йўналишлари ҳақида сўзлар экан, икки мамлакат делегациялари раҳбарлари ҳудудларо алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Таъкидландик, географик жиҳатдан яқинлиги ва логистиканинг қулайлиги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва ўзаро савдони ривожлантириш учун мисли кўрилмаган қулай шарт-шароитлар яратади. Шу муносабат билан, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўшма бизнес ташабbusларини амалга оширишда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида икки мамлакат чегарадош ҳудудлари раҳбарларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари янада фаоллаштирилиши зарурлиги таъкидланди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш мақсадида 50 млн долларлик устав капиталига эга Ўзбекистон – Тожикистон инвестиция жамғармаси ташкил

ЭТИЛГАНИ ТИЛГА ОЛИНДИ.

Форум давомида икки мамлакат ҳудудлари ва тегишли идоралар раҳбарлари сўзга чиқиб, инвестициявий ҳамкорликнинг имкониятлари, шунингдек, автомобиль саноати, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда янги саноат кооперацияси лойиҳаларини биргаликда рўёбга чиқариш юзасидан аниқ таклифларнинг тақдимотини ўтказди. Шунингдек, тадбир доирасида “B2G” ва “B2B” шаклида иштирокчиларнинг манзилли учрашувлари ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Форум якунлари бўйича Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Экспорт агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим, автомобиль, трансформатор, майший техника ишлаб чиқариш, интенсив боғлар, иссиқхона комплекслари, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш бўйича битимлар, шунингдек, бир қатор савдо шартномалари имзоланди. Имзоланган ҳужжатларнинг умумий суммаси 730 млн долларни ташкил этди.